Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 12 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 29 (6925)

Da'vat

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М. САЛМОН.

Ibrat

Тошкент индустриал-педагогика билим юрти 1 йил учун тадбиркорлик режасини педагогик кенгашда муҳокама этиб, бюджетдан ташқари топилган маблағни ишлатиш сметасини аниқлаб, 1996 йилда 2 миллиондан зиёд пул ишлаб, ўқитувчилар учун йўл чипталари, мукофот ва моддий базасини мустаҳкамлашга сарфлаган.

АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Куни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамкорликда «Ўзбек тили» доимий анжуманининг тўртинчи йиғини ўз ишини бошлади. Бу йилги анжуман «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуига бағишланди.

Анжуманда мутасадди раҳбарлар, тилшунос олимлар, шунингдек, мутахассислар ҳам қатнашишяпти.

Ушбу анжуман хусусидаги батафсил маълумот билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғинида комиссиянинг 1996 йил 18 декабрдаги йиғилиш қарори ижроси, Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қандай бажарилаётганлиги ҳамда республика Алоқа вазирлиги ҳамда унинг корхона ва ташкилотларида мазкур қонунни амалга оширишни таъминлаш давлат дастурининг ижроси борасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилаш масалалари бўйича махсус ишчи гуруҳнинг навбатдаги мажлисида бу борадаги бир қатор бажарилган ва қилиниши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов Германия Федератив Республикаси бундестаги вице-президенти Бурк Хард Хирш раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг Туркияга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қўшинлари генерал Абдурашид Дўстум назорати остидаги Фарёб вилоятига ҳужум бошлади.

Ҳиндистонда бўлаётган қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари конференциясида ушбу ташкилотнинг XXI асрдаги стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Hay'at yig'ilishida

ТАҲЛИЛ ИШИНГИЗГА САМАРА БЕРАДИ

Бўлиб ўтган ҳар бир тадбирдан сўнг унинг самарадорлик даражаси, ўтказилиш тартиби, камчиликлари каби қатор масалаларни яна бир бор таҳлил этиш кейинги ишлар учун кони фойда.

Газетамизда хабар берганимиздек, мактаблар ва ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Унинг якуний хулосалари ҳайъат мажлисида кўриб чиқилди. Очиғини айтиш керак, авваллари бу тадбирни ўтказишда камчиликлар бўлган. Энди уларга йўл қўймаслик учун ишчи гуруҳи тузилди. Олимпиаданинг IBM компьютерлари ёрдамида ўтказилиши таъминланди. 20 фаннинг ҳар биридан 500 тадан, жами 6 мингдан ортиқ тест вариантлари ажратиб олинди ва дискетларга туширилди.

Тест саволларининг мураккаблик даражаси, уларнинг махфийлигини сақлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, олимпиадан баҳсларини демократик йўллар билан ошкора ўтказилганлиги ҳайъат йиғилишида таъкидланди. Буни газетамиз ҳам баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилди.

Олимпиада натижаларини таҳлил этиб, фикр юритсак, кейинги йилги олимпиаданинг янада яхши ўтишида катта туртки бўларди. Ҳайъат йиғилишининг қарорида «1997 йил 1 августга қадар барча фанлар бўйича мазкур олимпиадада киритилган тест топшириқларини, шунингдек, улар билан ишлаш методикасини нашр этиш ва жойларга етказиш» айтилган. Фикримизча, бунинг бир неча афзалликлари бор.

Биринчидан, олимпиаданинг охирги босқичида ишлатилган тестларнинг мураккаблиги даражаси вилоят, туман, мактаб босқичлари учун тайёрланган саволлар билан солиштирилади. Бу келгуси йилдаги олимпиаданинг уч босқичидаги саволлар сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Иккинчидан, бу тартиб Тошкентда ўтадиган тўртинчи босқичнинг ҳам самарали бўлишига ўз таъсирини ўтказади. Дейлик, вилоятда ғолиб чиққан ўқувчилар, республика босқичида 75 балддан кам олиб, ўксиб қолмайди. (Ахир у вилоятда кўпроқ балл олган-да).

Учинчидан, барча вилоятлар учун талаб меъёри белгиланади ва буларнинг барчаси олимпиаданинг обрўсини кўтаради.

Фикримизча, олимпиаданинг яна бир сабоғи — бу республика бўйича айрим фанлар ўқитилишини ҳақиқатан талаб даражасида эмаслиги сезилиб қолганлигидир. Дейлик, физика фанининг ўқитилиши

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ 3-БЕТ.

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ 4-БЕТ.

Tashabbus

КУТУБХОНАНГИЗГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КИТОБ ЖАМЛАЯПСИЗ?

ёхуд Бухоро вилояти ҳокимининг хайрли иши

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида мактаб кутубхонасини бойитиш масаласида фахрий педагогларимиздан бири тошкентлик Ҳамидулла Йўлдошевнинг ташаббуси ҳақида ёзгандик. У киши шахсий кутубхоналаридан ўз мактабларига 200 дан ортиқ носиёсий, бадиий китобларни ҳадя этгандилар. Бу ташаббус Бухоро вилоятида ҳам анъана тусини ола бошлабди. Якка ҳолда кекса муаллимларимиз кутубхоналарга китоб топшираётган экан.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг ҳокими Самойдин Ҳусеновнинг 1997 йилда ҳар бир ўқувчига биттадан бадиий китоб бериш ташаббуси ҳам таҳсинга лойиқ. Вилоятда 301 минг ўқувчи мавжуд бўлиб, бунинг учун 12 млн. сўм пул ажратилган. Бир млн. сўмига китоб олишибди. Вилоят ХТБ бошлиғи Сангча опа Баҳромованинг айтишларича, шу кунлари «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни билан келишиб яна бир млн. сўмлик бадиий китоб оладиган бўлишибди. Бунда «Шарқ»да чоп этилган китобларнинг кўпчилиги мактаб дастурига кирган ёзувчи ва шоирларнинг китоблари эканлиги ҳисобга олинибди. Шунингдек, Сангча опанинг ўзлари барча нашриётларнинг режасини ҳам кўриб, зарурларини олиб кетиш ниятида эканликларини таъкидладилар. Йил — кутубхоналарни китоб билан таъминлаш йили, деб эълон қилинибди. Қани энди бошқа вилоят ҳокимлари, ХТБ бошлиқлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлашса... Ахир маънавият ҳақида юз гапиргандан ўқувчига бир китоб олиб бериш кўпроқ наф келтирмайдими?

Умуман олганда китоб йиғишнинг йўллари кўп. Айни кунда фирмаю корхоналар китоб билан (ўз болалари фойдасига) озгина маблағ ажратолмайдиларми? Ажратади, фақат кимдир қунт билан бу ишларни уюштириши керак, холос.

Қуйидаги хатда ана шундай тиниб-тинчимас, эртанги авлодни ўйлайдиган, фидойи маорифчиларимиздан бир нечалари ўз тажрибаларини баён қилишибди. Кимдир бу тартибга бошқача фикр билдирар, лекин бунда ҳаракат, изланиш сезилиб турибди.

ТАҲРИРИЯТ.

СОВҒАГА ФАҚАТ КИТОБ БЕРИЛАДИ

Мактаб кутубхонасидаги маънавий эскирган китобларни макулатурага топширганимиздан сўнг унинг ўрнини тўлдириш учун синф раҳбарларига суянган ҳолда иш кўрмоқдамиз.

Кўпгина ота-оналар 400 тадан кўпроқ адабий-бадиий китобларни кутубхонага совға қилдилар.

Оталиқ корхонамиз ҳам кутубхонамизни бойитишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, Темир йўллар корпорациясининг касаба уюшмаси 10 минг сўмлик бадиий китобларни мактабимиз кутубхонасига совға қилдилар. Мактабимиз ўқувчилари йиққан эски қоғозлар (макулатура) ҳисобига ҳам 270 дан ортиқ китобларни сотиб олдик. Шундай қилиб кутубхонамиздаги маънавий эскирган китобларнинг ўрнини яғни 1000 тага яқин бадиий китоблар эгаллади.

Кутубхонага 700 га яқин ўқувчимизнинг ҳаммаси аъзодир. Кутубхоначи М. Териков ўқувчиларни қабул қилиш жадвалига қатъий риоя қилади. Ҳар бир синф ўқувчиси қабул кунларида кутубхонага киради. Ўқувчиларни кутубхонага қатнашишини доимий назорати ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Х. Абдувоҳидовага топширилган.

Ҳар ойнинг биринчи пайшанба куни мактабимизда маънавият ва маърифат куни деб белгилаб қўйилган. Ҳар бир синфда махсус режа асосида маънавият соати ўтказилади. Синф раҳбарлари ўз синфларидаги ўқувчиларининг туғилган кунларини нишонлаб борадилар. Бундай кунларни нишонлаш бизнинг мактабда ўзига хос йўлга қўйилган бўлиб, 1—7-синф ўқувчисини табриклашда синф ўқувчиларининг дастхати ёзилган бир неча бадиий китоблар совға сифатида топширилади. 8—11-синф ўқувчиларининг туғилган кунлари музейларга ташриф буюриш билан якунланади. Уларга ҳам шаҳардаги китоб магазинларидан китоблар совға этилади. Ҳар бир ўқувчи мактабнинг 9 ёки 11-синфини битириб кетгунга қадар бир неча ўнлаб бадиий ёки сиёсий китобларга эга бўладилар. Бу эса ўз шахсий кутубхонасини бойитишга ҳисса бўлиб қўшилади ва энг асосийси, туғилган кунларга бағишлаб ёзилажак дастурхонга чек қўйилади.

Бундай амалий ишларимизнинг ҳаммаси Ватанимиз келажаги бўлган ёшларни маънавиятли, маърифатли бўлиб вояга етишларига қаратилгандир.

Қисқаси, «маблағ йўқ», деб қўл қовуштириб ўтириш ўрнига, изланиш керак эканлигини ҳар биримиз тушунмоғимиз зарур.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактаб директори.

Nuqtai nazar

ЭҲТИЁЖ РЕЖАНИ БЕЛГИЛАСА...

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси янгича фикрлайдиган мутахассис кадрларни тайёрлаб беришдир. Бу мутахассислар масалага ижодий ёндошадиган, юксак маданиятли, она-Ватанга меҳрли, ўз ишига садоқат билан қарайдиган, умуминсоний қадриятларга эга бўлиши керак.

Республика Олий таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Олий таълим концепцияси собиқ иттифоқ даврида-ги олий таълим тизимидан тубдан фарқ қилади. Республикамиз олий ўқув юртларида мутахассислар бундан буён кўп босқичда тайёрланади. Республика олий ўқув юртлари ҳам мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича талай тадбирларни амалга оширмоқда.

Самарқанд давлат университетида талабалар билимини холис баҳолашда тест усулидан кенг фойдаланиш, ўқитувчилар билан шартнома тузишда ўқитувчининг рейтинг кўрсаткични ҳисобга олиш, ўқитувчига бериладиган иш ҳақини дарс сифатига ва илмий ишлар даражасига қараб белгилаш, ўқиш жараёнига янги ахборот, мутахассисларни жаҳон андозаси даражасида тайёрлаш бўйича технологияни жорий қилиш каби бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Республика Олий таълим вазири О. Салимов Самарқанд давлат университети жамоаси билан учрашиб профессор-ўқитувчиларининг олий таълим соҳасидаги муаммоларни ечишда таклифлар беришини айтиб ўтди. Шу муносабат билан менда ҳам айрим фикрларни айтиб ўтмоққа ният туғилди.

Дарҳақиқат, олий таълим ислоҳотларини амалга оширишда университетларнинг аҳамияти янада оширилиши зарур. Улар илмий-ўқув ишлаб чиқариш марказларига ёки комплексларига айлантирилиши, таркибида факультетлар, илмий тадқиқот институтлари, коллежлар, лицейлар, ўқув корхоналари ва обсерватория, тажриба станциялари ташкил этилиши лозим. Шунингдек, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника ўқув юртлари университетларининг тегишли мутахассислик бўйича бўлимларига айлантирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Фанлар академиялари ва уларнинг илмий-тадқиқот институтлари ва уларни ҳам тегишли олий ўқув юртларига бириктириш керак. Улар ҳам замонавий рухда мутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этишлари зарур.

Мен Самарқанд шаҳар олий ўқув юртлари ўқув-методик ассоциациясининг раиси сифатида ишлаган вақтда айрим қийинчиликларнинг гувоҳи бўлдим. Масалан, Олий ва ўрта мактаб ўқувчиларининг билимларини баҳолаш масаласи турли вазирликларда турлича ҳал этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабаларининг билимини кўп балли тизимда баҳолашга кўрсатма берган бўлса, баъзи бир ўрта махсус ўқув юртларида ҳамон ўқувчилар билимини эскича беш баллик тизимда баҳолашмоқда.

Республикамизда энг устивор йўналишлар электротехника саноати, бошқариш ва иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳисобга олиш керак.

Самарқанд вилояти корхоналарига истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг берган маълумотларига кўра, ЭҲМ, электроника ва электротехника мутахассислари учун 1995-2000 йилларга бўлган эҳтиёж 3497 кишини ташкил этади. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида Самарқанд давлат университети ва ҳузурида замонавий мутахассис тайёрлайдиган коллеж очиш зарурати туғилди.

Мутахассислар тайёрлашда олий ўқув юртларига мустақиллик бериш зарурлигини ҳаёт тақозо қилмоқда, чунки ҳар бир олий ўқув юрти ўзига хос илмий салоҳияттга, ўқув-педагогик кадрга ва моддий-техник базага эга. Масалан, Самарқандда Республика Фанлар академияси археология илмий-текшириш институтининг мавжудлиги, университетда археология кафедрасининг катта илмий салоҳияти, ниҳоят, шаҳарнинг бошқа тарихий архитектура ёдгорликларининг кўплиги университетда шу соҳа бўйича мутахассис тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, республикамизда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши, саноат корхоналари турли тармоқларининг турлича жойлашиши, тегишли олий ўқув юртларида вилоят корхоналари, мактаб ва маданий соҳалар талаблари асосида мутахассис тайёрлаш керак.

Вилоятлардаги педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши, хусусан, СамПИнинг тугатилиши мактаблар учун муаллимлар тайёрлаш муаммосини келтириб чиқарди. Ҳозирги вилоят мактабларида ўқитувчи кадрлар етишмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, мавжуд педагогика институтларини, университетларни битказиб чиққан ёш мутахассислар ҳам ўз иш ўринларига етиб бормаяпти. «Таълими тўғрисида»ги Қонунни бажаришда ва бу соҳадаги оқсоқликни тугатиш бўйича, мутахассислар сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни тегишли вилоят ҳокимликлари ҳам бажаришларини шарт қилиб қўйиш керак.

Хулоса шуки, йиғилиб қолган муаммолар ечимининг олий ўқув юртларига талабаларни фақат талаб бўйича қабул қилиш, шу вақтгача мавжуд бўлган режали қабулни реал талабдан келиб чиқиб белгилаш махсус коллежлар сонини кўпайтириш, мақсадли ўқитишдир. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида ишлаб юрган профессор-ўқитувчиларнинг сонини камайтириш уларни аттестациядан ўтказиш, фақат илмий ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларни қолдириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таклифлар ва мулоҳазалар олий таълим олдига қўйилган вазифаларни ечишда озми-кўпми фойда беришига ишонамиз.

Облокул ҚУВОНДИҚОВ,
профессор, СамДУ умумий физика кафедраси мудири.

БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Биз олий ўқув юрти талабалари орасида физика, химия, тарих ва бошқа фанлар бўйича ўтказилган фан олимпиадаларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Бўлғуси журналистлар ўртасида эса бундай тадбир ўтказилмасди. Бу йилдан бошлаб эса ана шу факультет талабалари ҳам ўзаро билимларини синаш имкониятига эга бўлдилар. Олимпиадани ўтказиш тартиблари сизни ҳам қизиқтираётгандир? Тартиб бўйича талабаларнинг билимлари тўрт босқичда синовдан ўтказилди. Мутахассислигига оид, хорижий тилдан, Ўзбекистон тарихи фанидан ва жаҳон маданияти тарихи, урф-одатлари бўйича тест синовлари орқали билимлар аниқланди.

Ўтказилган биринчи босқич якунларига кўра халқаро журналистика бўлимининг 3-босқич талабаси З. Омонқулов, О. Полвонов, шу бўлимнинг 2-босқич талабаси М. Исроиловлар фахрли ўринларни эгаллашди. Уларга ТошДУ ректорати томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиблар навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Х. АБДУРАҲМОН.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ҲАЯЖОНЛИ «МАЙДОН» ҲАЛИ ОЛДИНДА

Йиллаб қилинган меҳнатнинг тақдирини лаҳзалар ҳал қилишини биласизми? Бухоро шаҳрининг Ибн Сино номидаги маданият саройида шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда ўтказилган, ҳунарманд усталарнинг кўрик-танлови ана шундай ҳаяжонли кечди. Танловни шаҳар ҳокимининг ўринбосари М. Мавлонов очиб бергач, шаҳарнинг зардўз-ҳунарманд усталари «майдон»га тушиб, ҳунарларини намойиш этишди. Беллашув давомида шаҳар «Камолот» маданият уйи ходимлари қатнашчилар учун куй ва қўшиқлар ижро этдилар.

Ҳуллас, ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган бу тадбирнинг ҳал қилувчи босқичи шу йилнинг Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтади.

М. КАРИМОВА.

БАШАРИЯТ ЧЎЛПОНЛАРИ...

Бу бани башарда сон минг йиллик бир Чўлпон, бир асрлик бир Чўлпон яшаяпти. Унинг биттаси кўкда бўлса, биттаси адабиёт осмонида ёғду таратмоқда. Яқинда Избоскан туманида Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб, шу туманда яшаб ижод этаётган шоирларнинг мухлислари билан учрашуви бўлиб ўтди. Кечада ижоди билан иштирок этганлар шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил гапирдилар ҳамда ўзларининг бағишлов шеърларини ўқиб бердилар.

Туман маданият уйида ўтказилган бу учрашувда маданият ходимлари, мактаб ўқувчилари, шунингдек шеърият ихлосмандлари иштирок этдилар.

Ф. ЖУМАЕВА.

ФИКРЛАР БАҲАМ КЎРИЛДИ

Ёшларга Ватанни севмоқ иймондан эканлигини сингдириш куннинг рад этиб бўлмас талабидир. Шундан бўлса керак, Қарши давлат университети маданиятшунослик кафедраси 1-талабалар уйида Президентимиз И. А. Каримов асарлари асосида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида мулоқот ўтказди.

Тадбирда Ватанни ардоқлаш, мустақиллик, истиқлол, истиқбол сари дадил бориш муаммолари, республикамиз бўйича жиддий эътибор берилаётган маънавият ва маърифат масалалари тўғрисида ўқитувчилар ва талабалар бисотидаги қарашларини ўзаро баҳам кўришди.

С. ШАПОАТОВ.

ТАҲЛИЛ ИШИНГИЗГА САМАРА БЕРАДИ

(Боши 1-бетда).

республика бўйича яхши эмаслиги ўтган йилги тест натижалари таҳлилида ҳам кўринган эди. Олимпиадада уч совринли ўринга бир ўқувчигина (76 балл) сазовор бўлди. Математикада балларнинг юқори эмаслиги (84, 80, 78) кўриниб қолди. Бунда турли сабаблар кўрсатиляпти, бироқ бу муаммони ҳал этиб бўлмайди дегани ҳам эмас. Ҳар бир муаммонинг ўз ечимлари бўлиши табиий. Бунинг учун эса ҳар томонлама таҳлил керак бўлади.

Ҳайъат мажлиси қарорида ғолибларни моддий ва маънавий тақдирлаш масаласи вилоят, туман ХТБларига юкланган. Рағбатлантиришнинг аҳамиятига бир янги мисол. Маълумингизким, Наманган вилояти энг кўп совринли ўринни қўлга киритди. Бунинг боиси ўқувчининг билимида, десангиз ҳам хато қилмайсиз. Лекин ишончли манбаларнинг хабар беришича, вилоят олимпиадаси ғолиблари вилоят ҳокими томонидан қабул қилиниб ўқувчилар руҳлантирилган. Кейин ўқувчилар вилоят ХТХМОИда бир ойлик тайёргарлик кўришган. Энди эса вилоят ҳокими ўқувчилар ва уларнинг устозларини яна қабул қилиб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ниятида экан.

Қисқаси, бу йилги олимпиаданинг урганса арзийдиган жиҳатлари кўп бўлди. Шу боис қарорда у «барча вилоят ХТБ Ҳайъат йиғилишларида кенг муҳокама этилсин», дейилган банди том маънода амалга ошиши зарур.

Ҳайъат мажлисининг иккинчи масаласи «Таълим жараёни қозоқ тилида олиб бориладиган ўқув муассасаларида давлат дастурларининг бажарилиш аҳволи ҳамда ўқувчиларнинг билим даражалари тўғрисида» (Навоий ва Тошкент вилоятлари мисолида) бўлиб, у ҳам мунозарага, муҳокамага бой тарзда ўтди. Жойлардан мутахассислар бажарилган ишлар билан бирга қандай муаммолар уларни қийнаётганлигини ҳам баён этишди.

Хусусан, методик ёрдам, лаборатория ишлари учун реактивлар кам, дарсликлар таъминоти масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак бўлади. Кадрлар тайёрлаш ҳам долзарб иш. Умуман олганда муаммолар атрофлича таҳлил этилди. Энди чора-тадбирлар кўриш назоратдан чиқмаса бўлгани.

Ҳайъат мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича моддаларининг бажарилишида «Тошкент вилояти ҳокимияти бошқарув органларининг раҳбарлик роли» ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди. Бу «Маърифат» газетасида ҳам кўтарилган эди. Мазкур масала Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Узбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси ва «Узбекбирлашув» бошқаруви ҳамкорлигида муҳокама қилинди ва қўшма қарор қабул қилинди.

«Жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш ҳақида»ги масала ҳам ҳайъатда кўрилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳайъат мажлисини халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Жўра Йўлдошев бошқариб борди.

Ҳ. САИДОВ.

ALIFBE БАЙРАМИ

Мамлакатимизда келажагимиз эгалари — ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга катта аҳамият берилаётир. Мактабларда Наврўз тантаналарига Alifbe байрамлари уланиб кетмоқда.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 114-ўрта мактабда бу анъанавий байрам, айниқса, кўтаринки руҳда нишонланди. Байрамни 1-«Д» синф ўқувчилари бошлаб беришди. Бежирим кийинган, кўзларида илмга чанқоқлик барқ уриб турган ўғил-қизлар лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувини қай тарзда эгаллаганликларини намойиш этдилар.

Мактаб гимназия мақомини олганига уч йил бўляпти. Бу ерда ўзбек ва инглиз тиллари, иқтисодиёт асослари, ЭҲМ дарслари чуқур ўргатилади.

Маданий-тарбиявий ишларга катта эътибор берилади. Тошкент цирки ва қўғирчоқ театри ижодкорлари тез-тез келиб туришади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ.

Суратларда: «Alifbe» байрамидан лавҳалар.

Д. ЮСУПОВ олган суратлар.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ БОШЛАНҒИЧ ҲУНАР ТАЪЛИМИ ҚИСМИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сон қарорига мувофиқ ҳамда демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган миллий дастурнинг бошланғич ҳунар таълими қисмини тузиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан ижодий ишчи гуруҳ тузилди.

Ижодий ишчи гуруҳ томонидан миллий дастурнинг бошланғич ҳунар таълими қисмини тузишда касб ҳунар таълими ўқув юртларининг ҳозирги аҳволи, 2005 йилгача кадрлар тайёрлашда бошланғич ҳунар таълимининг мақсад ва вазифалари, бошланғич ҳунар таълимини бошқариш усуллари ва тузилиши, уни сармоялаш, таълимнинг бу соҳасини ривожлантиришдаги босқичлар ёритилиши кўзда тутилган.

Миллий дастурнинг бошланғич ҳунар таълими қисмини мукаммал ёритиш, жойлардаги барча муаммолар ва масалаларни қамраб олиш мақсадида касб-ҳунар таълими ўқув юртлари муҳандис педагог ходимларидан дастурни тузиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини газета таҳририятига ёки Халқ таълими вазирлигининг ҳунар техника таълими Бош бошқармасига йуллашларини сўраймиз.

Халқ таълими вазирлигининг ҳунар техника таълими Бош бошқармаси

Ko'rik-tanlov

ТОШКЕНТНИНҒ ҒОЛИБ МУАЛЛИМИ

Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабда бўлиб ўтган пойтахт маорифчиларининг «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида Тошкент шаҳрининг ғолиб муаллими аниқланди.

Сирасини айтганда, мазкур беллашувга изланувчан ўқитувчилар, ўз фани фидойилари йиғилдилар. Улар ижодий иш савияси юқорилиги ҳамда маромига етказиб дарс бера олиши, тест имтиҳонидан ўтиш натижалари бўйича 11 та туман ғолиблари орасидан саралаб олинган эди.

Учинчи турда иштирокчилар олдига ўз фанини тарғибот қилиш ва педагогик вазиятдан чиқиб кетиш вазифалари қўйилди. Биринчи шарт бўйича Яккасарой тумани 319-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бибисора Ҳасанова (4,8 балл) ва Мирзо Улуғбек тумани 187-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирина Карташова (4,2 балл)лар юқори кўрсаткичга эга бўлдилар. Қолган иштирокчилар мазкур шартни қиёмига етказиб бажара олишмади. Гап шундаки, Юнусобод, Ҳамза тумани услубчилари туман ғолиблари билан ишлаётганларида III тур биринчи шарти моҳиятини тушунмадилар. Натижада А. Тўлаганов ҳамда Н. Мирҳабибова шогирдлари ушбу шартга ажратилган беш дақиқани устозларига таъриф бериш билан ўтказишди...

Шуниси эътиборлики, учинчи турнинг иккинчи топшириғини бажаришда Яккасарой ва Мирзо Улуғбек тумани вакиллари яна зукколикларини намоён этдилар. Бошқа иштирокчилар эса белгиланган бир дақиқа ичида педагогик вазиятдан чиқа олмадилар.

Очиғи, ҳар бир педагог маҳорати дарсда билинади. Дарс, унинг иш усуллари, билимдон ўқувчилари мактаб салоҳиятини белгилайди. ТШУМОИ директори Шомухтор Шомансуров бошчилик қилган ҳакамлар ҳайъати масаланинг шу каби қирраларини ўрганиб, I-тур (ижодий иш, дарс), II тур (тест) ва III тур (фан тарғиботи, педагогик вазият) натижаларига кўра энг кўп балл (44,9 балл) тўплаган Юнусобод туманидаги 273-мактаб ўқитувчиси Аҳрор Тўлагановни ғолиб, деб топишди. Иккинчи, учинчи ўринлар Бибисора Ҳасанова ва Ҳамза туманидаги 155-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Наргиза Мирҳабибоваларга насиб этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ғолибларни қутлаб, барча иштирокчиларга бошқарма томонидан ажратилган мукофотларни топширди. Шунингдек, совринли ўринлар соҳиблари «Шаҳар халқ таълими фидойиси» нишони билан ҳам тақдирландилар.

Самимий қутловлардан сўнг вазир ўринбосари кўриктанлов тўғрисида таҳлилий фикрларни билдирди. Бўлажак танловларга тайёргарлик қай тарзда бўлиши лозимлиги ҳақида тушунча ва маслаҳатлар берди.

Гап шундаки, кўрик-танловнинг Республика босқичида сараларнинг сараси иштирок этади. Икки йилдирки, шаҳар ғолиби мазкур босқичда совринли ўринлардан бирини ололмаяпти. Шаҳар ғолиби зўр мутахассис, ўз фани билимдони бўлиши мумкин. Шу билан бирга айрича иқтидор эгаси ҳам бўлмоғи лозим. Иқтидорли муаллим маҳоратини катта аудитория олдида кўрсата олса, нур устига нур. Ана шундагина Республика миқёсидаги катта синовда совринли ўрин насиб этади.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ИЛМИЙ ЮРИШ

Швециядаги Лунд университети профессори Матс Ларссон бошчилигидаги 18 олим ёз ойларида Қора денгиз ҳамда Кавказ дарёлари орқали Каспийгача бўлган масофани қадимги эшкакли ва елканли «драккар» кемасида босиб ўтмоқчилар. Олимлар бу «юриш» ёрдамида эрамизнинг II асрида қадимги викинг қабилаларининг биринчи бор шу йўл билан сузиб ўтганлари ҳақидаги фаразни исботлаб бермоқчилар. Дарвоқе, саёҳатчиларнинг кемаси 1993 йили қурилган.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА СИРИ

Ер юзидаги ваҳший ҳайвонларнинг улкани филга икки баробар келувчи 4 тоннали мегатериум бўлиб, у 11 минг йил аввал Жанубий Америкада яшаб ўтган. Ҳайвон суякларини ўрганган уругвайлик олимларнинг маълумотларига кўра, мегатериум икки оёқлаб соатига 5 километр йўл босган ҳамда ўсимлик ёки жониворлар билан овқатланган.

ФИКРЛАР ВА ЗИКРЛАР

O'zbekiston — Amerika

Замонанинг зайлини кўринг, ана Америка ҳам бир қадам. Воажаб, бугун бировни Антарктидага бориб келибди, деса ҳам ҳеч ким ажабланмайди. Лекин шуниси аниқки, инсон қаерда бўлмасин, қай гўшани манзил тутмасин, интилиш, ўрганиш деган азалазалий қисмат юкидан халос бўлолмайди. Албатта, айтаётган бу фикрларимизга етарлича зикрларимиз бор.

Ўтган йили мамлакатимиздан бир гуруҳ ўқитувчилар ва ўқувчилар Америкада бўлиб қайтишган эди. Мақсад: у юртдаги таълим-тарбия стандартлари билан танишиш, арзигулик жойлари бўлса, ўзимизда ундан ижодий фойдаланиш эди. Албатта, бу ҳамкорлик ижобий самарасиз қолмади. Негаким, мамлакатимиздаги бугун кечаётган таълим-тарбия жараёни америкаликларни ҳам қизиқтириб қолди.

Алқисса, мана икки ҳафтадирки, америкалик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари билан ўқитувчилари юртимизга ташриф буюришган. Меҳмонлар пойтахтимиздаги 306-лицейда ҳамда 309-Шарқ тиллари лицейида бўлишиб, биздаги ўқиш-ўқитиш жараёнини кузатишаяпти. Шунингдек, бу ҳамкорликнинг яна бир эътиборли томони сезилмоқдаки, меҳмонлар нафақат таълим тизимимизга, балки инсоний ахлоқ нормаларимизнинг нақадарлигига ҳам баҳо беришяпти. Дейлик, улар Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларимизда бўлишиб, ўтмиш боболаримизнинг сийратий қиёфалари муҳрланган обидаларни ҳам кўриб келишди.

Меҳмонлар куни кеча Нафис санъат лицейи ўқувчилари билан учрашувда юртимиздан олган олам-олам таассуротларни баён қилар эканлар, чиройли дегувчиларнинг миллатимиз ҳақидаги лутфларига яна бир карра ишонгинг келади.

Хўп, мавзуга қайтсак, америкаликларнинг бизнинг таълим бериш усулимизга билдирган фикрлари ҳам чакки эмас. Бу улар Нафис санъат лицейи ўқувчилари билан учрашишганда яна бир бор иқрор бўлдилар.

Дарҳақиқат, холисаниллоҳ битта гап. Ҳар бир давлатнинг ўқитиш, тарбиялаш усуллари ҳар хил бўлса-да, мақсади бир хил. Яхши ўқитиш. Яхши тарбия бериш. Шу нуқтаи назардан олиб, америкалик ўқувчилар билан бизнинг болаларимизнинг илмий имкониятларини, умуминсоний, ахлоқий жиҳатларини, инсон фитратидаги бир хилликларни адолат тарозисига қўйсак, Ватанимизнинг келажаги буюклигига сира шубҳа қолмайди.

Алишер НАЗАР, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Tajriba, sinov, natija

ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ СИРТҚИ БЎЛИМИДА РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИ ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАШ КЕРАК?

Ҳозирги кунда мустақил давлатимиз илмий салоҳиятини белгиловчи мутахассислар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳамда уларнинг асосий таянч бўғини ҳисобланган ўрта мактабларда таълим сифатини янада яхшилаш борасида талаба ўқувчилар билимини аниқлашда рейтинг тизимини қўллашнинг жаҳон стандартига мос келиши, яъни уларнинг юқори даражада илмий, методик ва методологик жиҳатларига эътиборни кучайтириш асосий муаммолардан биридир.

Бу борада Тошкент Молия институтида ҳам қатор тадбир-чоралар ишлаб чиқилиб, уларнинг ўқув жараёнида қўлланилаётганига уч йилдан ошди. Мана шу йиллар давомида институтимиз кундузги бўлимида таълим олаётган талабаларнинг билим даражасини аниқлашда профессор Ё. Абдуллаевнинг «Талабалар билимини аниқлашда рейтинг усулини қўллашга доир кўрсатмалар» деб номланган рисоласи қўл келаяпти. Бу назарий ва услубий тавсиянинг натижаси сифатида қўплаб ўтказилган синовлар, халқаро тажрибалар ва ўзимиздаги мавжуд амалиёт рейтинг усулининг бугунги кун шароитида барча таълим соҳасини ташкил этишнинг холис ҳамда бой имкониятларга эга бўлган самарали воситаси эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Институтимиз ўтган ўқув йилидан бошлаб юқоридаги назарий ва услубий тавсияларга асосланиб рейтинг тизимини сиртқи бўлимга ҳам қўллай бошлади.

Маълумки, сиртдан ўқиётган талабалар учун тузилган ўқув режаси кундузги бўлим режасидан бир талай ўзгаришлари билан фарқ қилади. Сиртқи бўлим ўқув режасида аудитория соатлари кундузги бўлим ўқув режасидаги аудитория соатларининг 33-35 фоизини ташкил қилади. Шунга мос равишда мустақил иш соатлари ҳам режалаштирилган.

Бундан ташқари сиртқи бўлим талабалари ҳар бир ўқув йили давомида икки марта20 кунгача ўқув сессиясига чақириладилар. Шу давр ичида улар ўқитилаётган фанлар бўйича жорий ва якуний назоратларни топширишлари лозим. Бу ерда оралиқ назорати бўлмайди. Шу сабабли оралиқ назорат учун ажратилган улуш (20 фоиз) жорий назорат улушига қўйилади ва унинг салмоғи 75 фоизини ташкил қилади. Масалан, «Банкда аудит» фани бўйича бир курсга аудитория дарси 16 соатга мўлжалланган бўлиб, унинг 10 соати маъруза ва 6 соати амалий машғулотни ташкил қилса, у ҳолда шу фандан талаба кўпи билан 16 балл йиғиши мумкин. Чунки, ўқув режасига ҳар бир фан учун ажратилган соат максимум баллга тенглаштирилиб олинади. Шунда талабага (максимум 16 баллга нисбатан) баллни йиғишга қараб қуйидаги баҳолар қўйилади;

Талабанинг максимал 16 баллга нисбатан тўплаши мумкин бўлган баллари ва баҳолари
1-жадвал

фоизларда (улушларда)	БАЛЛАР		БАҲОЛАР
	min	max	
54,9 гача	16х0,549=8,7 гача		«қониқарсиз»
55 —70	(16х0,55)=8,8	(16х0,70)=11,2	«қониқарли»
71 — 85	(16х0,71)=11,3	(16х0,85)=13,6	«яхши»
86 — 100	(16х0,86)=13,7	(16х0,100)=16	«аъло»

Назорат турлари миқёсида максимум 16 баллнинг тақсимланиши:
2-жадвал

Назорат турлари	Соатдаги улуши	Балл	Талаба тўплаган балларга нисбатан қўйиладиган баҳолар			
			«қониқарсиз»	«қониқарли»	«яхши»	«аъло»
			(54,9% гача) балларда	(55—70%) балларда	(71—85%) балларда	(86—100) балларда
ЖН	75%	12	6,59 гача	6,61—84	8,5—10,2	10,3—12
ЯН	25%	4	2,19 гача	2,2—22,8	2,9—3,4	3,5—4
Жами	100%	16	=8,70 гача	=8,8—11,2	=11,4—13,	13,8—16

Талаба икки назорат тури бўйича жами бўлиб камида 8,8 балл йиққан тақдирдагина ижобий, яъни «қониқарли» баҳо олиши мумкин. Акс ҳолда, у қўшимча балл йиғиши лозим бўлади. Агар ўтилаётган фан бўйича ўқув режасида одатдагидек «синов» топширилиши кўрсатилган бўлса, у ҳолда талаба «ўтди» баҳосини олиши учун максимум баллнинг камида 55 фоизини йиғиши лозим бўлади.

Дарс соатлари ўқув графигига биноан тузилган дарс жадвали асосида максимум 16 баллнинг ўқув дарслари ва назорат турлари бўйича тақсимоти қуйидагича бўлиши мумкин (3-жадвал)

Максимум 16 баллнинг ўқув дарслари ва назорат турлари бўйича тақсимланиши:
3-жадвал

Дарс соатлари (дарс ёки дарсдан ташқари вақтида)	ЖН		ЯН		ЖАМИ
	Маъруза	Амалий машғулот	Маъруза	Амалий машғулот	
1 дарс	0	0	—	—	—
2 дарс	2	2	—	—	4
3 дарс	1	1	—	—	2
4 дарс	1	0	—	—	1
5 дарс	1	4	—	—	5
Охирги дарсдан кейин	—	—	2	2	4
ЖАМИ	5	7	2	2	16

ЖН жараёнида баллар қуйидагилар эвазига тўпланиши мумкин: (2-3 жадвал)

Маъруза дарси юзасидан:

Ҳар бир дарсда фаол қатнашиб, берилган топшириқларни ўз вақтида тўлиқ бажариб келса ҳар бир соатга 0,5 балл берилади. Агар ўқув йили давомида жами 10 соат маъруза дарси ўтилган бўлса, у ҳолда талаба максимум 5 балл тўплай олади.

Амалий машғулот учун:

Уйига берилган топшириқларни тўлиқ бажарилганлиги (ўзи мустақил бажаргани текширилади) ва дарсга фаол қатнашганлиги учун ҳар бир соатга 0,5 балл берилади. Агар 6 соатли амалий машғулот ўтилган бўлса, у ҳолда талаба максимум 3 балл йиғиши мумкин. Амалий машғулот учун ажратилган 7 баллнинг 4 бали талабалардан ёзма назорат иши қабул қилиш, тест саволларига жавобларнинг, ҳамда мустақил топшириқларнинг бажарилиш даражасини аниқлашга сарфланади.

Я.Н. (якуний назорат). Якуний назорат турида ўтилган фан бўйича максимум 4 баллга мўлжалланган тест ёки назорат иши (коллоквиум) саволлари бўйича талабаларнинг билим даражаси текширилади. (2-3 жадвал).

Сиртқи бўлимда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади:

*Узрли сабабларга кўра талаба дарсга қатнаша олмаган, ўзи ўқиётган ихтисослик бўйича ишлаётган талабалар бир вақтнинг ўзида ҳам жорий, ҳам якуний назоратни топшириши мумкин. Бунинг учун деканнинг рухсати бўлиши шарт.

*Сабабсиз ўқув сессиясига қатнашмаган ва ўзи ўқиётган ихтисослик бўйича ишламаётган талабалар жорий назорат бўйича «отработка»сини топширгандан сўнг якуний назоратга рухсат берилиши мумкин.

*Қайднома варақалари хусусида. Жорий ва якуний назоратлар натижалари кундузги талабалар учун жорий қилинган қайднома варақаларида акс эттирилади.

*Сиртқи бўлим ўқув режасига назорат иши учун алоҳида соатлар ажратилган. Меъёрий ҳужжатларга биноан назорат ишини текшириш учун 0,75 соат белгиланган. Бинобарин, талаба назорат ишидан максимум 0,75 балл йиғиши мумкин. Агар у шу баллнинг 55 фоизидан камини йиғса, у ҳолда талаба назорат ишини топшира олмаган бўлади.

Дарвоқе, сиртқи бўлимда рейтинг усулини қўллаш тўлақонли бўлишига эришмоқ учун барча ўқитиладиган фанлардан назорат ишлари, мустақил иш топшириқлари етарли миқдорда ишлаб чиқилиши ва нашр этилиши зарур. Бир сессия бошланмасдан иккинчи сессия материалларини олдиндан талабаларга тарқатмоқ лозим. Шундагина рейтинг ўз вазифасини бажара олади.

Мамадиёр ШЕРҚЎЗИЕВ, Тошкент Молия институтининг доценти, Эсон ЭГАМОВ, Тошкент Молия институти профессори, кредит-иқтисод факультетининг декани.

Iqtisod saboqlari

ҚИЙМАТНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот-товар қийматга эга, у эса нарх билан ифодаланади.

Тахмин қилинг, бир қути гугурт 1 сўм, эгнингиздаги костюм — 1000 сўм, миниб кетаётган автомобилингиз 200000 сўм туради. Бу товарларни сўм (нарх) билан белгиланган қиймати нимага асосланиб ҳисобланган? Нега оз ёки кўп эмас? Айни пайтдаги (яъни ўша товарларни пулга алмашиниши) миқдор кўрсаткичлар нималарга асосланади? Хуллас, бу масала атрофида ўнлаб саволлар туғиладики, уларга жавоб айтиш қийматнинг моҳиятига тушунишни осонлаштиради. Келтирилган мисолларимиз маълум давр ичида бозор шароитида товар алмашиниш жараёнида шаклланган нархларнинг (қийматларнинг) даражаларини акс эттирадиган тенгликлардир. Улар, шу товарларнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт, уларнинг ҳаёт-турмушдаги аҳамияти — зарурият даражаси билан бир-биридан фарқланади. Масалан, 1 қути гугурт тахминан 50 марта ут ёқиб аланга ҳосил қилиш учун керак бўлса, костюм бир неча йил либос сифатида кийиб юриш учун зарурдир. Автомобиль эса узоғингизни яқин қилувчи, ишингизни тезлатувчи ва меҳнат унумингизни ортириб берувчи воситадир.

Юқорида таққосланаётган товарлар кишилар меҳнатларининг, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг маҳсулидир. Агарда уларга ишлаб чиқариш жараёнида одамлар меҳнати таъсир этмаганида, улар асл ҳолда, яъни ёғоч, газлама ва металл материаллари сифатида қолиб, аниқ зарур буюмлар — товарлар шаклига кирмаган бўлур эди. Демак, 1000 қути гугуртга 1 дона костюм ва аксинча, 1.200 дона костюмга 1 дона автомобиль олиш мумкинлиги асосида кишиларнинг маълум миқдордаги меҳнатлари ётар экан. Демак, хулоса шуки, ҳар бир аниқ товарнинг қиймати (нархи) унга сарфланган умумий меҳнат миқдори билан ўлчанади.

Хўш, қиймат деб номланган ва умумий меҳнат миқдори билан ўлчанадиган кўрсаткичларнинг моҳияти нимада ва у қандай шароитларда қўлланилади?

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқарилган товарга унинг қуринишидан, нима учун мўлжалланганидан, катта-кичиклиги, енгил-оғирлиги ва оддий-мураккаблигидан қатъи назар, меҳнат сарфланади. Фақат товарларнинг бирига кўпроқ, иккинчисига озроқ меҳнат сарф қилинган. Кўпроқ меҳнат сарфланиб тайёрланган товарнинг нархи қиммат ва аксинча, озроқ меҳнат билан тайёрланган товарнинг нархи арзон бўлади.

Масалан, биз юқорида эслатган 1 қути гугуртни ишлаб чиқариб, тайёр товар ҳолатига келтириш учун, аввало, жонли меҳнат эгаси — одамлар кучи (ақли) ёғоч, олтингугурт, қоғоз, буёқ, шунингдек ускуна — технология ва бошқа нарсалар зарур бўлади. Лекин ўша хом ашё ва материалларни ҳам (ёғочни ўрмонда кесиб тайёрлаш, машина-технологияни заводларда ишлаб чиқариш ва ҳоказо) тайёрлаш ва ташиб келтириш учун меҳнат қилинган. Яна электр қуввати ва ёқилғилар кучи билан ускуналар ишлаган ва ҳоказо. Демак, гугурт ишлаб чиқарувчи фабрикада меҳнат қилаётган ишчилардан ташқари хом ашё материаллар, транспорт воситалари, ёнилғи ва электр қуввати таркибида ҳам уларга илгари сарфланган меҳнат миқдори мужассамлашган. Демак, маълум буладики, қиймат фақат ҳозир сарфланаётган жонли меҳнат билангина эмас, балки илгариги меҳнатларнинг сарфи билан ҳам бевосита алоқадордир.

Ҳозирги сарфланаётган жонли меҳнат ва сарфланиб бўлган илгариги меҳнатларнинг йиғиндиси ижтимоий зарурий меҳнат дейилади.

Жонли меҳнат эгаси агар унинг қўлида қуроли бўлмаса, ҳеч қачон товар маҳсулоти ишлаб чиқара олмайди ва қиймат ярата олмайди. Ҳаттоки кетмон билан ер чопаётган оддий деҳқоннинг меҳнати ҳам ижтимоий-зарурийдир. Чунки деҳқон илгариги меҳнат эвазига тайёрланган кетмон билан ишлайди.

Демак, қийматни шакллантирувчи ижтимоий зарурий меҳнат товар тайёрлашда иштирок этаётган барча меҳнат йиғиндиларидан ташкил топади.

Маҳсулотда (товарда) мужассамлашган ижтимоий зарурий меҳнатнинг миқдори қиймат-вақт билан ўлчанади. Товарни ишлаб чиқарувчи жонли меҳнат эгаси одам бўлганлиги учун унга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори одам-соат ёки одам-кун билан ўлчанади. Одам-соат ёки одам-кун ишлаб чиқариш жараёнида бевосита маҳсулот (товар) ишлаб чиқарувчиларнинг бир соатда ва бир кунда ишлаб чиқарган маҳсулотга сарфлаган меҳнат кўрсаткичидир.

Одам-соат тушунчасидаги вақтни жонли меҳнат ва илгариги меҳнатлардан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Лекин иш билан бевосита боғланган вақт, албатта, шу иш якуни билан, яъни кишилар иштирокида ифодаланади. Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, қийматнинг табиий ўлчами (одам-соат, одам-кун) у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга сарфланган вақтни мамлакат ва жаҳон миқёсида ишлаб чиқариладиган юзлаб, минглаб ва миллионлаб хилдаги товарларга қўллаб ишлатадиган бўлсак, уларнинг амалий ҳаётда ҳисоб-китобини қилиш амримаҳол бўлиб қолади. Шу сабабли қийматнинг табиий ўлчамини бирон-бир мавора (таққослаш) ўлчами билан алмаштириш зарурияти туғилади. Қийматнинг ана шундай универсал ўлчами сифатида нарх қўлланилади. Нархнинг миқдори эса одатда пул билан белгиланади. Демак, ишлаб чиқарилган товарнинг нархи тўғрисида сўз борганда, биринчи навбатда, пулни ва унинг ўлчам бирлигини тушунамиз. (Жумладан, Узбекистонда пул сўм деб юритилади. Қозоғистонники — танга, Туркманистонники — манат, Россияники — рубль деб белгиланган).

Энди эса қиймат нима? Нарх нима? Улар ўртасида қандай муносабатлар бор? Шулар ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Мана, оддий бир мисол: бир дона оби нонниг чакана нархи 5 сўм туради. Бир киши 1 соатда (1 одам-соат) 25 дона оби нон ишлаб чиқаради. Аммо новвойчиликда бир киши ўзи иш юрита олмайди, унга, албатта, шерик керак бўлади. Натижада икки новвой 1 соатда 50 та ва бир кунда 8 соатлик иш куни бўлса, 400 та (10 соатлик иш куни бўлса, 500 дона) нон ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилган 500 дона оби нонниг қиймати 20 одам-соатга тенг бўлади. Бу рақамни оддий ҳолатда таҳлил қиламан десангиз, шундай тенглик келиб чиқади, бу тенглик 20 соатда 1 киши 500 дона нонни ёки 20 киши 1 соатда ўша миқдордаги нонни ишлаб чиқаради, деган маънони англатади. Аммо амалиётда фақат иштирок этаётган ишлаб чиқарувчилар сонини сарфланган вақтга кўпайтириш билан қийматнинг миқдори аниқланади.

Юқоридаги белгилаган нархимизга асосан 1 одам-соатда ишлаб чиқарилган 25 дона нонниг нархи 125 сўм (25х5=125) га тенг бўлади. Новвойлар 20 одам-соатлик қиймат яратганликлари учун уларнинг бир кунда ишлаб чиқарган товар маҳсулотларининг умумий нархи қуйидагича аниқланади:

20 одам-соат (қиймат) = 2500 сўм (нарх)га

(1 одам-соат = 125 сўм х 20 одам-соат = 2500 сўм).

Агарда қийматни Қ ҳарфи билан, нархни Н ҳарфи билан белгиласак, у ҳолда:

Қ = Н га тенг бўлади.

Мана энди озми-кўпми қиймат билан нархларнинг моҳиятини ўрганиб, уларнинг миқдорий кўрсаткичларини оз бўлса ҳам таҳлил қилдик. Бироқ: «Қиймат доимо нархга тенг буладими ёки ўзгариб турадими», деган савол туғилади. Бу ҳақда «Иқтисодиёт назарияси» китобининг муаллифлари А. Улмасов, М. Шарифхўжаевлар қуйидагича ёзадилар: «Аммо бу бозордаги амалий нархлар тан олинган меҳнатнинг ёки қийматнинг айнан ўзи деб қараш нотўғри... Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, нарх пасайиб кетса, товар бозори касодликка йўлиққан бўлади, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш зарурияти кун тартибига қўйилади».

Мана энди яна юқоридаги мисолимизга қайтайлик. Бугунги ҳисобимиз бўйича 1 соатлик меҳнат миқдори (одам-соат) новвойхонада 25 дона нон ёпиб чиқаришга тенг ёки нарх ҳисобида 125 сўмни ташкил этади. Эртага бозорда нон кам бўлганлиги учун бир дона нон 6 сўмга чиқади. Натижада қиймат одам-соат бўйича қолади, аммо нарх 150 сўмга тенг бўлади. Бир ҳафта ўтгандан сўнг бозордаги нонларнинг кўпайиши натижасида 1 дона нонниг нархи 4 сўмга тушиб қолади. Бу шароитда 1 соатлик меҳнат эса 100 сўмга тенг бўлади.

Қиймат ўзгармаган ҳолатда нархларнинг бозор кўтаришига қараб ўзгариши ишлаб чиқарувчи корхонанинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ўзининг кўриниши бўйича ижобий (меъёр қийматдан юқори) бўлиши мумкин.

Товар нархининг вақт ўтишига қараб ўзгариши бозордаги талаб ва таклифнинг ўзаро мувозанатига боғлиқдир. Агарда вақт ўтиши билан таклиф кўпайиб, талаб камайса, нархлар пасаяди ва, аксинча, таклиф камайиб, талаб кўпайса, нархлар кўтарилади.

Ноҳид НИЁЗОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.
Муртазо СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

(Давоми бор).

Rasmiy bo'lim

БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ КЎРСАТИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР

Таълим берувчи тайёрлов гуруҳлар очиш:

боғчага қатнамайдиган болаларни саводга ўргатиш ва мактабга тайёрлаш;

чет тилларни ўргатиш;

шанба, якшанбалик гуруҳларини очиш;

компьютер синфларига эга бўлган боғчаларда «ўйинхона»лар ташкил этиш.

уй энагаси (губернантка) тайёрлаш;

тўгараклар (ўйинчоқлар ясаш, каштачилик, зардўзлик, лойдан ўйинчоқлар ясаш, тасвирий фаолият студиялари, рақс) ташкил этиш;

Болаларга кўрсатиладиган соғломлаштириш хизмати:

имконият ва шароит яратилган мактабгача тарбия муассасаларида, боғчага қатнамайдиган, бошланғич мактаб ёшидаги болалар учун медицина (фитобар, физотерапия, тиш даволаш) хизматини ташкил этиш;

спорт комплексларига эга бўлган болалар боғчаларида кечки соатларда боғча ва бошланғич синф ёшидаги болалар учун соғломлаштириш ва тўгарак (таэквандо, бадиий гимнастика, ритмика, шашка, шахмат, сузиш, теннис, бадминтон, мини-футбол) ташкил этиш.

Педагогик хизмат курсатиш:

видео тасмалар (қоидали ҳаракатли ўйинлар тўплами, чет тилларни ўргатиш, саводга ўргатиш, мактабга тайёрлаш ва ҳоказо) яратиш ва тарқатиш;

методик қўлланма, методик тавсияномаларни ота-оналар ва тарбиячилар учун ишлаб чиқариш ва етказиш.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАР КЎРСАТИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР

Тайёрлов тўгараклари (курслари):

ўқувчилар ва барча хоҳловчилар учун чет тилларини ўргатиш бўйича;

компьютерда ишлашни ўргатиш бўйича;

наққошлик, бичиш-тикиш, тўқишни ўргатиш бўйича;

сайёҳлик ташкилотчи-инструкторларини тайёрлаш бўйича.

Болаларга кўрсатиладиган соғломлантириш хизмати:

сайёҳлик юришлари давомида экологик тоза доривор ўсимликлар йиғиш, улардан шифобахш қайнатмалар тайёрлашни ўргатиш.

Педагогик хизмат:

ўқувчилар учун кўргазмали қуроллар тайёрлаш (минераллар ва тоғ жинсларидан);

методик материалларни яратиш, нашр қилиш ва тўгарак раҳбарларига тарқатиш.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонда.

Ангрен шаҳрида иқтидорли ёшлар учун лицей-интернати ўтган ўқув йилининг охирларида ташкил этилди. Лицейда дарслар аниқ ва гуманитар фанлар йўналиши бўйича олиб борилмоқда. Бу ерда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча имкониятлар яратилябти. Ўқувчиларга чуқур билим беришда сидқидилдан хизмат қилаётган ўқитувчилардан В. Ўринова, Татьяна Коваленко, Тамара Жигарена, Толибжон Муталвалиев, Гулнора Эшчоновларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Дарвоқе, лицейда бепул овқатланиш йўлга қўйилган. Ангрен картон ишлаб чиқариш жамияти ўқув масканига тез-тез моддий ёрдам бериб турибди.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар:

● Физика-математика фани ўқитувчиси Толибжон Муталвалиев физикадан машғулот ўтказмоқда. ● Беҳзод Ҳожиматов, Шерзод Ҳожиматов, Руслан Боси компьютерда навбатдаги топшириқни бажаришмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



НАВБАТ—ЯНА ҚИЗЛАРГА!

Аёллар чиндан-да баҳорга ўхшайди. Негаки уларнинг кўнгли гулдек нозик, ширинсуханлиги баҳорнинг майин ва ёқимли шабадасини эслатиб тургандай. Яна аёлларимизнинг кўксомса, сумалак, норин, чучвара, қатлама сомса, паловхонтўра ва бошқа турли-туман ширинликлар тайёрлашга устаси фаранглигини айтмайсизми?

Мана, яқинда Бувайда туманидаги 27-ўрта мактабда яна «Иқбол» кўрик-танловининг навбатдаги босқичи бўлди. Ўзингиз биласиз, бу танлов ҳали айтганимиздай, фақат қизлар ўртасида бўлиб ўтади. Шунинг учунми, ҳар қалай мазкур тадбирда иштирок этган Малоҳат Шералиева, Саодат Мадумарова, Феруза Абдуназарова, Лобархон Жўраева ҳамда Дилрабо Мавлонова каби муаллима аёлларимиз бир-бирлари билан жуда кескин тортишишди. Кўрик-танлов давомида улар бир қарасангиз, зукко шеърхонга, яна бир назар ташласангиз, қўли гул пазанда, моҳир қўшиқчи, ажойиб раққосага айланавериши, айланавериши. Энг асосийси, улар ҳақиқий аёл, қолаверса, ҳозирги кун муаллимасига муносиб ҳаракат қилдилар. Аммо, на илож, танлов, барибир ўз номини оқлагани яхши. Шу сабабли ҳам ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар маҳоратини обдон кузатган ҳолда 1-ўринни Малоҳат Шералиевага лозим деб топишди. Ғолиб мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухбиримиз.

Yangi alifboni o'rganamiz

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Галдаги ўқув йилининг ярмидан кўпи ўтиб бўлди. Мактабларда янги ўзбек алифбосини ўрганиш борасида дастлабки қадамлар ташланди. Ҳар қандай ишнинг бошланишида ҳадиксираш ва иккиланишлар бўлгани каби умумтаълим мактабларида янги алифбони жорий этиш жараёнида ҳам бу ҳол кузатилди. Лекин айтишим мумкинки, туманимиз миқёсида янги имлони ўрганишнинг бутун имкониятлари ишга солингач, бизга мураккаб бўлиб туюлган иш, астойдил киришилса, қийин эмаслигини ҳис қилдик.

Биринчи синфга қадам қўйган бола илғовчан ва ўқувчан бўлишини барчамиз биламиз. Катталар, яъни ўқитувчилар бу алифбони ўрганишда ўқувчилардан кўпроқ қийналишлари табиий. Лекин барибир бола сабоқни ўқитувчи томонидан олишини эътиборга олсак, биз муаллимлар билан кўпроқ ишлашимиз кераклиги аён бўлади.

Туманимизда 50 та умумтаълим мактаби, 25 та мактабгача тарбия ва 5 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатаяпти. Ўқув йили бошланишидан аввал, яъни ўқитувчиларнинг меҳнат таътили вақтидаёқ уларнинг малакасини оширишга муваффақ бўлдик. 2500 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар янги ўзбек алифбоси бўйича ёзув имлосини ўрганишга жалб қилинди.

Бошланғич синфларда алифбе даври тугади. Ўқитувчиларимизнинг аксарияти янги алифбони пухта ўзлаштириб олишди. Мактабларимизда Алифбе байрамлари ҳақиқий саводхонлик тантанасига айланди.

2—11-синф ўқувчиларига янги имло мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобидан ўргатилмоқда.

Янги ўзбек алифбоси бўйича ёзувни ўргатиш муаммоларига бағишланган ҳудудий-амалий семинарлар ойма-ой ўтиб турибди. Мактабгача тарбия муассасалари ҳаётига ҳам янги имлодаги дастурларни кўргазмали, дидактик воситалар орқали дадиллик билан олиб кираяпмиз.

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Қисқа муддат ичида янги имло нафақат ўқувчилар томонидан, балки ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-истаги билан ўзлаштирилиши керак. Бу тан олсак ҳам, олмасак ҳам, маорифчилар зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Туман халқ таълими бўлими ана шундан келиб чиққан ҳолда фаол ўқитувчиларни ташкилот, корхона, муассасаларга жалб қилган. Чунки уларнинг аксарияти ота-оналар бўлиб, амалдаги имлони ўрганишлари талаб қилинади. Зотан, энди турмушимизнинг ҳар бир соҳаси янги ёзувимиз билан боғлиқдир.

Идибой САИДОВ,
Навоий вилояти Нурота тумани халқ таълими бўлимининг олий тоифали методисти, халқ таълими аълочиси.

Talqin

БИР СЎЗ ЖОЗИБАСИ

Мактаб остонасида Ҳ. Олимжоннинг «Узбекистон» шеърини ёд олмаган ўқувчини топиш қийин. «Чаппар уриб гуллаган боғин, Упар эдим Ватан тупроғин». Шеърнинг шу мисралари бағридаги «чаппар уриб» бирикмасининг маъноси нима? «Чаппар» деган сўзни қандай изоҳлаш мумкин? Бундай суровлар ҳар бир ўқувчининг неча бор хотиридан кечган, албатта. Чаппар, чапар аслида — бир сўз. Чаппар — қадимий шакл, чапар — сўнгги, шеваларда товуш ўзгаришига учраган нусхаси. Чаппар сўзи тожикча чап пар бирикмасидан ясалган қушма сўз.

Бугдой, арпа каби бошоқли экинлар хирмонини янчишда қўлланадиган ғаллакорлар мосламаси чапар деб аталади. Чаппарнинг тузилиши ва шакли ер устки қисмини юмшатгич (русчада барано)ни эслатади. Ҳода, шохлар ост-уст қилиб, уч қисми олд-орқа ва енга қаратиб боғланган. Шохлар орасида кичик катаклар ҳосил бўлган. Шохлар ораси ва катаклар ичига қаттиқ новдали айриқ шох-шабба еки усимлик томирлари зич қилиб суқилган, усти шох-шаббанинг майда бутоқлари билан қопланган. Чаппар ясаш жараёнида чаппар урмоқ бирикмаси яралган. Бу бирикма ғаллакорлар нутқига хос ифода бўлган. Шоир Ҳ. Олимжон деҳқонлар нутқига хос бу бирикмани «Узбекистон» шеърида қўллаб асл халқчилликка эришган.

Ғалла ўриш ва янчишнинг механизациялашуви сабабли чаппар иш қуроллари сафидан чиқиб кетди. Оқибатда тилимиз луғат таркибидан ҳам йўқолди. Кўпчиликка нотаниш сўзга айланди. Ҳамид Олимжон «Чаппар уриб гуллаган боғин», деганда ажойиб поэтик ўхшатиш, жонли манзара яратган. Йўғон-ингичка шох-шаббаларнинг айқаш-уйқаш бўлиб туриши чапарга ўхшаса, иккинчидан, баҳор ҳам экин-тикинга тараддуд кўраётган деҳқонга менгзатилади. Қолаверса, шоир қиёс орқали бурттириш, муболаға қилишни кўзда тутган. «Чаппар уриб гулламоқ» бирикмасида белги — ҳолатнинг меъёридан ортиқчалиги ҳам ифодаланган. «Чаппар урмоқ» бирикмасини ўзбек тилининг ҳозирги мавқеидаги қийғос, беҳад кўп, қалин, зич, чаман-чаман каби сўз ва бирикмалар маъноси билан изоҳлаш ва тенглаштириш мумкин.

Дарвоқе, дарс ва таҳлил жараёнида эслатилган сўз ва бирикмаларни чаппар уриб бирикмаси ўрнига қўйиб кўриб маъно ва тузилишидаги ўзгаришларни, тафовутларни тушунтириш имкони бор.

Тўра НАФАСОВ,
Карши давлат университети профессори.

«ЖАННАТ ГУЛЛАРИ»

Xotira

Гапнинг тўғриси, бу мавзу учун қўлимга қалам олишим жуда қийин кечди. Устоз Абдулла Қаҳҳор айтган «дард» ҳам, ҳа деганда елкамдан босиб, ёзув столига чорлайвермади. Чунки одамда шундай ҳолат бўладики, кутилмаган ҳодисалар олдида эсанкираб қоласан, узингни нотавон, ожиз ҳис этасан.

Лекин, ҳар нарса ўткинчи дейдилар. Яхши ҳам Инсонда сабр-тоқат, қуникиш ҳисси бор, «қиёмат қарз» деганларидай, масъулият тушунчаси бор.

Мана шу тушунча бугун дардга айланди, ёзишга ундади.

Сурайёхон шаҳар марказидаги маҳалламизнинг узукка кўз қўйгандай дилбар, оқила келинларидан эди. Уни аёллар мақташарди: «Барака топсин, бирам хушмуомалаки, келининг бўлса — шундай бўлсада!» Шоли қурмаксиз бўлмас деганларидай, хусумат қилувчилар ҳам топилиб турарди: «Бойвучча, рузғори бут бўлгандан кейин жилмаяди-да, йиғлармиди!»

***

Қаламкаш учун узоқ изланишдан сўнг ёруғлик юзини кўрган ижод намуналарига илиқ «баҳо»ни эшитиш қай даражада завқли! Менинг гоҳ газета, гоҳ журнал, баъзан телевидениедаги чиқишларимдан сўнг Сурайёхонлар эр-хотин телефон қилишиб, дастлабки «бал»ни қўйишар, баъзан суҳбатимиз мунозарага айланиб кетарди.

Касбдошим (анча вақт мактабда ўқитувчилик қилганман) ёшгина Сурайёхоннинг зийрак, кўп ўқийдиган, ўз касбига жон-дили билан берилиб кетган фидойи аёллиги мени қойил қолдирар, баъзан табиатан ёш болаларча беғуборлигини кўриб, аслида Сиз болалар дунёсидаги аёлсиз, деб қўярдим.

Чинданам мақтовим инобатли бўлиб, газеталар таълим-тарбия бобида у амалга ошираётган янгилик ҳақида ёза бошлади. Мен қўшнимизнинг ишларида омад тилаб, табрикладим. Шунда у:

— Маҳалламизда шунақа акамиз бор, деб мақтаниб юраман. Янги иқтидорли болалар марказимизни бир бориб кўринг, мақтаса арзигудек ишлар қиляпмиз, — деди.

— Албатта бораман.

Яқинда Сурайёхонни кўриб қолдим. Салом-аликдан сўнг «Марказ»га бориш ҳақидаги ваъдам хусусида гап очмоқчийдим, у шундоқ йўлак ёнбошида очилай-очилай деб турган гунчаларга бурканиб ётган ўрик томон ишора қилди:

— Қаранг, озгина кундан кейин мана бу шохлар худди жаннат гулларига буркангандай ҳовлимизга файз киритиб юборади. Ҳамманинг нигоҳи шунда бўлади! Эҳ, анаву шумшайиб турган шимолдан келтириб ўтқазилган дарахтларнинг кўриниши қаерда-ю бу гўзаллик қайда! Шунинг фарқига етмайдиганлар бор-а! Шаҳарни яна қарагайзор босиб кетяпти. Узингиз биласиз, бунинг болалар тарбиясига ҳам таъсири бор. «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мавзусига яна қайтмасангиз бўлмайди, чоғи».

— Худди шу ҳақда мақола тайёрлаяпман, худо хоҳласа яқинда ўқиб қоласиз. Унда Сиз айтган ғўзалликнинг болалар руҳиятига таъсири хусусида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган. Дарвоқе, кейинги мақола республикада ягона «Таълим-тарбия маркази»нгиз ҳақида бўлади...

— У ердаги ўриклар гуллади. Яна, болаларимизнинг инглизчалаб бийрон сўзлашларини, компьютерларни бошқаришларини бир кўрсангиз эди...

Тақдирнинг бешафқат ўйинини қарангки, Сурайёхонлар хонадони олдидаги навқирон ўрик дарахти оппоқ бўлиб гуллаган кун маҳалла аҳли ҳали ўттиз етти ёшга тўлиб-тўлмаган ўз келини тобутини ғамандуҳ билан елкасига олди... Қора булут босиб келган осмон кўз ёши тўкди... ўрик новдалари марҳума устидан лак-лак гулларини сочиб, видолашгандай оғир чайқалиб қолди.

Сурайёхон «буюртма» бериб кутган мақола — «Тункарилган дарахт» матбуотда босилиб чиқди. Уқиганми-йўқми билмайман. Лекин ўша куни касалхонада ётиб, телевидение орқали «Марказ» болалари кўрсатишган концерт дастурини бошдан охиригача кўрган, шифокорларга «қаранглар, қандай иқтидорли болаларим бор», дея ғурур билан гапирган, ҳамкасбларига телефон қилиб, раҳмат айтган, янада яхшироқ тайёргарлик кўринглар, келаси ҳафта режалаштирилган Наврўз байрамига чет элликларни ҳам таклиф этамиз деган.

Афсус, эртаси баҳорнинг ҳузурбахш тонгида учган қалдиргочлар чирқиллаб қолди...

Мен елкамдаги яна бир «қарз»дан соқит бўлиш учун Сурайё Маннонова директор бўлиб ишлаб келган Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги мамлакатимизда ягона ҳисобланувчи кўп тармоқли «Таълим-тарбия маркази»га бордим. Афсус, мени Сурайёхон эмас, унинг ҳамкасблари кўзларида ёш билан қарши олишди.

— Шунча йил бирга ишлаб, Сурайёхоннинг бирон марта жаҳлларини чиқиб ёки бирон одамдан норози бўлиб гапирганларини эслолмайман. Ҳаммага бир хил муомала қилардилар. Айниқса, Муборак ҳаж сафарига бориб қайтганларидан кейин сабр-тоқат, иффат, оиладаги бурч ҳақида бизга кўп маслаҳатлар берардилар. Бу оқила аёл бошлиқ эмас, бизга яқин, сирдош дугонадай гапиришларини куриб, ҳайрон бўлардик. Доим уйимиздаги аҳвол ҳақида сўраб-суриштириб, илтимос қилмасак ҳам кам-кўстимизга қарашиб турардилар, — дея эслайди фаррош аёл Башира Умарова ва қўшиб қўяди, — жойлари жаннатда бўлсин, бунақа камтар, содда ва ишчан раҳбар камдан-кам бўлади.

Сурайё Маннонова 1980 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини фақат аъло баҳоли махсус диплом билан тугатиб, Акмал Икромов туманидаги 455-болалар боғчасига ишга келди. Кўп ўтмай бу боғча шаҳардаги намунали болалар муассасаси бўлиб танилди.

Узбекистонимиз мустақиликка эришгач, таълим-тарбия тизимида ҳам миллий қадриятлардан келиб чиқиб, янгилик яратиш фикри ёш педагогга тинчлик бермай қўйди. У боғча қошида иқтидорли болалар учун мактаб дастурини ишлаб чиқди. Шу дастур асосида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган қобилиятли болаларни махсус тест орқали танлаб олинади. Бу боғча-мактабда болаларни соғлом-бақувват қилиб ўстирадиган турли спорт машғулотлари ўтказилади. Инглиз тилидан дастлабки сабоқ берилади. Математика чуқурлаштирилган ҳолда иқтисодий билимга қўшиб олиб борилади. Компьютер, лингафон, тасвирий санъат, физиотерапия, массаж, тиш даволаш хоналари, алоҳида кутубхона ташкил этилади.

С. Маннонова томонидан ишлаб чиқилган бу дастур Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда Республика Халқ таълими вазирлигида муваффақият билан шаҳодатдан ўтди. Мамлакатимизда биринчи «Бошланғич таълим-тарбия маркази» ташкил этилди. Унинг раҳбари Сурайё Маннонова орзу қилган ниятларини амалга ошириш учун озмунча елиб-югурмади, не-не идоралар эшигини қоқмади. Ниҳоят, келажагимиз бўлмиш иқтидорли болалар учун мақтаса мақтагудай ажойиб марказ яратилди.

У узининг мана шу хил фазилатлари билан эл назарига тушиб, пойтахт шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган, ўтган йили республика халқ таълими аълочиси нишонига сазовор бўлганди.

Мен «Таълим-тарбия маркази»нинг шинам бинолари билан ўралган катта сариштали ҳовлисига назар ташларканман, ўртада чаппар уриб гуллаб ётган ўриг-у олма дарахтларига кўзим тушди. Беихтиёр Сурайёнинг «Жаннат гуллари» деган сўзларини эсладим.

Жойинг жаннатда бўлсин, синглим!

Дадахон НУРИЙ.

Bugun jahon kosmonavtikasi kuni

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

1. Ракета нима?

РАКЕТА — двигателдан отилиб чиқадиган газлар оқимидан ҳосил бўладиган реактив кучлар таъсирида ҳаракатланувчи (учувчи) аппарат. Унинг учиши учун атмосферанинг бўлиши шарт эмас. Газларнинг тез оқимини ҳосил қилувчи ёнилғи ва уни оксидловчи моддалар ракета ичига жойлаштирилади.

ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТ. Порох кашф этилгандан кейин ракета кашф қилинди. Ракета номи италянча rocchetta, яъни кичкина урчуқ деган сўздан олинган (XY-XYI аср). Ракета турли халқларда ҳар хил номланган (Хитойда — «учувчи оловли ўқлар»; «учувчи олов» — («ignes volans» — лотинча; wildrike; flying fires — инглизча). Аввалги ракеталар жуда содда, ўқ ёйнинг ўқига зарядли гильза маҳкамланган бўлган. Биринчи бўлиб порохли ракеталар кашф этилди.

Ракеталарни ҳарбий мақсадларда қўллаш ҳақидаги биринчи маълумотлар хитой манбаларида келтирилган. 1232 йилда мўғуллар Хитойнинг Пиен-Кинг деган шаҳрини қамал қилганларида қамалдагилар «оловли ўқлар» деб аталувчи ракеталарни қўлладилар. Улар ёнғин чиқаришда қўлай эди. Ҳиндистонда 1780-84 йилларда шаҳзода Ҳайдар Али Мисор инглиз босқинчиларига қарши исён кўтарди. Унинг ўғли Типпо Соҳибнинг армиясида 1200 та ракетачидан иборат корпус бор эди. Ракеталар қўлай бўлганидан ракетачилар сони 5000 га етказилди. Шу сабабли инглизлар ҳам ракеталарни ҳарбий ишда қўллай бошладилар. Инглиз армиясининг офицери Уильям Конгрев ишлаб чиққан ва қўллаган ракеталар 9-20 кгк оғирликка эга бўлиб, 3 км гача отиларди.

Германияда иккинчи жаҳон уруши олдидан ва уруш вақтида ракеталар соҳасида катта иш олиб борилди. Асосан суюқ ёнилғили ракеталар ишлаб чиқаришга ўтгу берилди. 1944 йилнинг июнида Англияга қарши 8000 та ФАУ-1 ва 1300 та ФАУ-2 ракеталари ишлатилди. Англияда тезлиги катта бўлгани учун ФАУ-2 дан ҳимоя системаси йўқ эди.

1945 йилдан бошлаб ракета системаларининг тараққиёти АҚШда ва собиқ Совет Иттифоқида давом эттирилди. 1953 йилда Щюрихда ўтказилган астронавтларнинг ІУ халқаро конгрессида Мерилэнд университетининг профессори С. Фрэд Зингер оғирлиги 50 кгк бўлган Ер сунъий йўлдошини орбитага чиқаришни тавсия қилди. Уни фан ва техника нуқтаи назаридан асослаб берди. У бу йўлдошни кичиклиги учун «сичқон-йўлдош» деб атади.

Замонавий космик ракета жуда мураккаб қурилмадир; у минглаб деталлардан ташкил топган. Асосини юриттич (двигатель) қурилмаси ташкил этади. Учишни бошқарувчи системаси ҳам бўлади. Маълум ҳаракатдан четланишни ўлчайдиган сезгир элементлардан сигнал ракетанинг бошқарув аъзоларига узатилади. Улар ракетани керакли ҳолатга ва ҳаракатга қайтаради. Агар ракетани одам билан қиёсласак, унинг юриттичи — юраги, бошқариш системаси — боши ва нерв системаси бўлади. Одатда ракета «фойдали» юкни маълум жойга элтишга мўлжалланади. Шу сабабли юк ҳам унинг бир қисми ҳисобланади. Ерга қайтариб туширувчи қисмлар ҳам унга жойлаштирилади (масалан, парашют системалари).

Энергиянинг турига қараб ракета юриттичлари тўрт хил бўлади: термокимёвий, ядровий, электрик, нур-елканли. Ҳозир космик кемалар, орбитал станциялар, асосан кўпқувватли термокимёвий юриттичлар ўрнатилган ракеталар ёрдамида чиқарилади. Кафтга бемалол сиғадиган кичик юриттичлар ҳам мавжуд. Уларнинг юритиш кучи кам, лекин улар космосда кемани бошқаришда керак бўлади. Ядровий, электрик, нур-елканли ракета юриттичлари космик кемаларнинг сайёраларо учишларида, айниқса, узоқ юлдузларга учишга қўл келади.

Термокимёвий юриттичлар икки хил бўлади: суюқ ёнилғили, қаттиқ ёнилғили. Биринчи бўлиб қаттиқ ёнилғили ракета юриттичлари яратилди. У ёниш камерасида ўрнатилган махсус қаттиқ ёнилги ёнишидан ҳосил бўлган газлар ёрдамида ҳаракатланади. Қаттиқ ёнилғили ракета юриттичининг тузилиши оддий бўлиб, хоҳлаган вақтда ишлатиш, кўп вақт сақлаш мумкин, лекин портлаши осон. Суюқ ёнилғили ракета юриттичида ёнилғи сифатида спирт, керосин, бензин, анилин, гидразин, диметилгидразин, суюқ водород ишлатилиши мумкин, оксидловчи сифатида эса суюқ кислород, водород пероксиди, азот кислотаси, суюқ фтор ишлатилади. Ракета юриттичида ёнилғи ва оксидловчи моддалар алоҳида бакларга қуйилади ва насослар билан ёниш камерасига узатилиб форсункалар ёрдамида пуркалиб турилади. Улар қўшилган пайтда гўёки портлаб ёниш бўлади ва ҳарорат 3000-4500 С градусга етади. Ёниш маҳсулотлари жуда кенгайиб, 2500-4500 м/с тезлик билан юриттичдан сопло орқали отилиб чиқади. Шундай қилиб, бу отилган газлар тезлиги ва секундли массасига пропорционал, тезликка қарама-қарши йўналган реактив куч пайдо бўлади.

Ядровий ракета юриттичида реактив куч ҳосил қилувчи суюқлик атомлар ядроларининг бўлиниш реакциялари катта ҳарорат билан содир бўлаётган реактор орқали соплога ўтказилади. У ердан газ формасида катта тезликда чиқа бошлайди. Космик кема орбитага чиқарилгандан кейин уни керакли томонга буриш учун ҳам реактив юриттичлар керак бўлади. Бироқ уларнинг қуввати кичик бўлиши лозим (1 киловаттгача). Электрик ракета юриттичлари шунга мос келади. Бу ерда реактив кучни юзага келтирувчи газ ҳаракатининг тезлашуви қуёш батареяларидан келадиган электр энергияси ҳисобига ҳосил бўлади.

Нур — елканли юриттичнинг ишлаш қонунияти Қуёш нури жисмларга босим курсата олишга асосланган бўлиб, сайёраларо учишларда қулай. Масалан, диаметри 500 м бўлган доиравий елканли массаси 1 т бўлган космик кема Ердан Марсгача 300 суткада етиб бора олади. Ракетанинг ҳаракати давомида юриттичидан газлар отилиб чиққани учун массаси ўзгаради, камая боради. Унинг назарияси массаси ўзгарувчан жисмлар механикасида ўрганилади. Механиканинг бу муҳим соҳаси асосларини йирик рус механиги Иван Мешчерский ўзининг «Массаси ўзгарувчан нуқтанинг динамикаси» деган 1897 йилда ёқлаган магистрлик диссертациясида келтириб ўтган. Ракетанинг вертикал учишининг энг тўлиқ дифференциал тенгламасини чиқарди... Тадбиқий ракетадинамиканинг асосий формуласини тақрибий вариантда талантли рус олими — гимназия ўқитувчиси, фантаст, калугалик Константин Циолковский 1897 йилда кашф этди. Унинг космонавтика олдидаги хизмати шундаки, у космосга учишлар фақат ракеталар ёрдамида амалга оширилиши ғоясини изчил илгари сурди ва илмий асослади. Кўпбосқичли ракеталар ғояси ҳам унга тегишли.

ХХ асрнинг бошларида қатор мамлакатларнинг олим ва ихтирочилари бир вақтнинг ўзида космик учишлар муаммолари билан шуғуллана бошладилар. Масалан, Р. Годдард (АҚШ), Р. Эсно-Пельтри (Франция), Г. Оберт ва В. Гоман (Германия), Ф. А. Цандер ва Ю. В. Кондратюк (СССР), Ф. Улинский, Г. фон Пирке, Ф. фон Гефт (Австрия) ва бошқалар. Уларнинг ишлари замонавий ракета системаларининг яратилишига сабабчи бўлди. Ёнилгининг массаси у билан тўлдирилган ракета массасининг 90 фоизини ташкил қилади. Қолган қисмларга (яъни фойдали юк) ракетанинг корпуси (жуссаси), бошқариш системалари, юриттич баклар ва б.), 10 фоиз қолади.

Агар ракета бир неча босқичдан (2-5) иборат бўлса, унга ташувчи ёки қўтарувчи ракета дейилади. У сунъий йўлдошларни, космик кемаларни, орбитал станцияларни, сайёраларо космик кемаларни космосга элтади. Энергетик характеристикаларига қараб ташувчи ракеталар қуйидаги синфларга ажратилади: енгил (5 т. гача фойдали юк олади), ўрта (ф.ю. 5-20 т.гача), оғир (ф.ю. 20— 100 т.гача), (жуда) оғир (ф.ю. 100 т. дан оғир). Масалан, «Космос», «Скаут», «Тор-Эйбл», «Авангард» енгил т.р.га киради; «Союз», «Восток», «Титан-3С», «Титан-3Е», «Сатурн-1В» ўрта т.р.га киради, «Протон» — оғир т.р.; «Сатурн-5» жуда оғир т.р. Барча ташувчи ракеталарнинг конструкциялари иложи борича енгил материаллардан қилинади. Ташувчи ракеталарнинг стартдаги массаси 10 т.дан 3000 т.гача бўлиши мумкин. Баъзи ташувчи ракетанинг барча босқичларида қаттиқ ёнилғи ишлатилиши мумкин. Кўпчилигида биринчи босқичлари қаттиқ ёнилғили бўлиб, қолганлари суюқ ёнилғили бўлади. Босқичлар ишлатиб бўлингач, ташлаб юборилади. Агар керак бўлса парашют системаси ёрдамида қутқазилиб, яна қайтадан ишлатилади. Масалан, «Спейс шатлл» космик кемаси биринчи иккита ташувчи ракетаси қутқазилади (20 мартгача қайта ишлатилади).

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош мутахассиси, физика-математика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

(Давоми бор).

O'ynab-quvnab o'rganamiz

ТАБИАТНИНГ КИЧИК ДЎСТЛАРИ

— Айтингчи, болалар, тулки (лиса) кўпликда қандай айтилади? — сўради тарбиячи Наталья Александровна.

— Тулкилар (лисички), — деди Моҳира.

— Тулкининг боласини нима деймиз? Қани, ким айтади?

— Тулкича (лисичка), — шоша-пиша жавоб берди Серёжа.

— Жуда яхши. Болалар, энди мана бу расмга қаранглар, нималар акс эттирилган? — деди тарбиячи,

— Ниначи, қунғиз, капалак, — деди жажжи Полина.

— Буларни бир сўз билан нима деб атаймиз?

— Ҳашаротлар, — баравар жавоб беришди кичкинтойлар.

— Расмда нима ортиқча акс эттирилган? — деди тарбиячи.

— қурбақа, у ҳашарот эмас, — уялинқираб деди Камола.

— Яна қандай ҳашаротларни биласиз? — сўради Наталья Александровна.

— Тилла қўнғиз, чувалчанг, — деди Руслан.

Ҳа, пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 460-«Радуга» болалар боғчаси тайёрлов гуруҳида ҳар бир машғулот ана шундай қизиқарли, мазмунли, жонли тарзда ўтилади. Мазкур гуруҳ тарбияланувчиларига тажрибали мураббий Наталья Рютина таълим-тарбия беради. Боғчада предметсиз ўқитиш ҳамда экологик тарбия йўналишлари бўйича иш юритилади. Наталья Александровна ана шу йўналишлар асосида тинмай ишлаши, изланиши натижасида болаларни табиат ва ҳайвонлар олами билан таништириш мақсадида методик қўлланма тайёрлаган. Қўлланма ширинтой болаларнинг фикрлаш қобилиятини кенгайтиришда яқиндан ёрдам бераётир. Жумладан, йил фасллари, уларнинг хусусиятлари, барглларнинг куз, қиш, баҳор ва ёздаги ҳолатлари тасвирланган. Сабзавот ва мевалар ҳамда ҳайвонлар ҳақида топишмоқ берилган.

— Табиатни асраш, унинг мусаффолиги учун курашишни боғча давридан бошлаш керак, — дейди боғча мудираси Татьяна Кузьменко. Тажрибали тарбиячи Рютина иш фаолиятида ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир машғулотга алоҳида ҳозирлик кўради. Машғулотларда ҳар бир боланинг фаол иштирок этиб, табиат ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш борасида кўпроқ тушунчага эга бўлишга ҳаракат қилади.

Боғчада болаларнинг математик билимларини ошириш, ақлий савиясини ўстириш борасида ҳам топишмоқ ва мақолларга алоҳида эътибор берилади. Хона ва йўлакда Ўзбекистонда етиштириладиган меваларнинг расмлари, барглар, кесилган, гўёки қирқилиб, жойида илдизи билан қолгандек ҳар хил шаклдаги дарахтлар қўйилган. Фойе ҳамда зал деворлари ҳам турли дарахт шохлари ва барглари билан безатилган. Тувакларда турфа гуллар. Олмахон, кийик сингари ҳайвонлар, яшил арчалар худди эртаклардагидек ўрмон тасвирланган.

Боғчада қўён, тошбақа, япон товуғи ва хўрози, тутиқушлардан иборат тирик бурчак, ҳамда тимсоҳ, илон, кийиклардан иборат ғайри табиий бурчак ҳам мавжуд. Машғулотларда уларнинг хусусиятлари, нималар билан озиқланиши, қандай парвариш қилиниши, келтирадиган фойдаси ҳақида фикр юритилади.

Шаҳар мактаблари ва болалар боғчалари ўртасидаги 1996 йилда ўтказилган «Бизнинг келажагимиз ва экология» кўрик-танловида 460-болалар боғчаси Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳа, келажагимиз ворислари бўлмиш жажжи болакайларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда ана шундай фидойи, болажон, изланувчан мураббийларимиз сафи кенгаяверсин.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Xullas...

ПАТТА ПУЛИГА КУЙИШМАДИ

«Қозон-Москва», йўналиши бўйича учиши шарт бўлган самолёт кечиктирилди. Бунга сабаб номаълум кишилар томонидан аэропорт маъмуриятига ногоҳ қилинган қўнғироқ бўлди. Ҳожатбарорлар самолёт юкхонасидаги жомадонлардан бирида бомба борлиги ҳақида огоҳлантиришган эди. Бир зумда учишга шай этиб қўйилган самолёт тинтув қилинди. Бомба топилмади, бироқ... кўп ўтмай огоҳлантирувчиларнинг ўзлари топилди. Улар — шу самолётда учиш учун патта олиб қўйган, лекин, баъзи бир сабабларга кўра рейсга кечика бошлаган икки тадбиркор экан. «250 минг рублик патта пулига қуйиб қолишдан қўрқдик», деб ўзларини оқлашга тиришишди улар. Аэропорт маъмуриияти ҳам тадбиркорларга раҳм қилди, 500 минг рубддан жаримани қўртдек санаб олишгач, самолётга чиқиш учун рухсат беришди. Икки азамат йўлакка отилишар экан, бир-бирининг қўлини қисиб мамнун пичирлашди: «Хайрият, патта пулига қуймадик...»

ЎНИНЧИ ШОҲ

Лондонлик Томас Корн бутун умри давомида бир эмас, унта подшонинг бошқаруви остида яшашга муяссар бўлди. У 1471 йили, айни қирол Генрих VI тахтдан агдарилган пайтда дунёга келди. Орадан роппа-роса 87 йилу 7 ой, 6 кун ўтиб Томасси тушмагур ҳаётидаги сўнгги, ўнинчи Ҳоқон — Елизавета Інинг тахтга минишига гувоҳ бўлди. Томас 1578 йилнинг 28 январида 107 ёшида вафот этди.

СУМАКНИНГ САДОҚАТИ

Тюменлик нафақахўр кампир овқатга солиш учун тайёрлаб қўйган сўнгги бир бурда гўшт ногоҳ йўқолиб қолди. Шу кўргилик боис Сумак лақабли ит обдон калтакланиб кўчага ҳайдалди. Ахир хонадонда гўшт ўғирлайдиган ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди-да. Ҳайдашга ҳайдади-ю кампир шўрлик бу гўшт булагини ўзи кеча паққос туширганини эслаб қолди. Қилмишига пушаймон бўлиб кўчага отилди: «Қайдасан, айбсиз айбдор Сумак?» Сумак эса бу орада аллақаердандир бир бўлак колбаса топиб, тишида тишлаганича эшик орқасида кутиб турган экан.

ana shunaqa gaplar

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги А. Жомий номли 23-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Бегназаров Асқар номига берилган АУ N 124647 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 154-мактаб томонидан Муқаддам Назармуҳамедова номига берилган А 076473 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 54-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Қдиралиева Дилбар Сапаровна номига берилган N 470865 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

* * *

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Суфибекова Юлдузхон Равшанбековна номига берилган UZA N 031671 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан иккита қарор қабул қилганлиги ҳам бунинг яққол исботи бўла олади. Жумладан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида спортнинг бу турини кенг ривожлантиришнинг зарур шарт-шароитларини яратиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган.

Qaror va ijro

ФУТБОЛГА ҲАМ ФИДОЙИЛИК КЕРАК

Юртбошимиз Ислом Каримов (1996 йил 4 январь) Республика Вазирлар Маҳкамасида: «Ўзбекистонда футболни ривожлантириш» масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Бизнинг болаларимизда футболга бўлган қизиқиш Бразилия ёки Аргентинаникидан камми? Иқлим шароитларимиз эса деярли йил давомида футбол билан шуғулланиш имкониятини беради. Қолаверса, одамларнинг футболга бўлган муносабати ҳам яхши. Ўзбекистон бугунги кунда дунё ҳамжамиятида ўз мавқеи ва нуфузига эга. Унинг сиёсий-иқтисодий обрўси тобора ортиб бормоқда. Агар биз футболни, қолаверса, бутун спортни талаб даражасида ривожлантирсак, бу юртимизнинг эътиборини янада оширади. Дунё аҳли олдида миллатимизнинг куч-қудратини намойиш этади».

Футболни ривожалантириш юзасидан юқорида тилга олиб ўтилган қарорни сўзсиз бажариш, спорт майдонлари ва стадионларнинг ҳар бир мактабда бўлишига эришиш лозим. Ва яна футболни ривожлантиришга кенг халқ оммасини жалб этиш, халқ таълими ва спорт ташкилотларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришларига эришиш кўзланган мақсадга етишга имкон беради.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Мазкур қарорда футболни кенг миқёсда оммалаштириш юзасидан халқ таълими муассасалари, спорт ташкилотлари зиммасига ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Биз вазирликнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Раҳматулла Саломов билан айнан шу хусусда суҳбатлашдик. Ушбу қарорнинг чиққанига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида уни амалга ошириш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан муайян ишлар қилинди. Жумладан, бугунги кунда республикамизнинг 13 та вилоятида махсус футбол-интернатлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларда 1071 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар футболнинг нозик сирларини қунт ва сабот билан ўрганишаётир.

Қувончли томони шундаки, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Наманган вилоятларидаги мавжуд интернатларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, уларда таълим-тарбия яхши йўлга қўйилган. Аниқ айтадиган бўлсак, уларда ўқув хоналари, махсус ўйингоҳ машғулотлар ўтказиш хоналари, овқатланиш ва ётоқхоналар, қолаверса ювиниш ва чўмилиш ҳавзаларигача бор.

Бироқ Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса интернатнинг ўз стадионлари бўлмаганлиги сабабли машғулотлар бошқа жойларда ўтказиб турилибди. Вилоят ҳокимликлари тилга олиб ўтилган мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишда яқиндан ёрдам берадилар, деб ўйлаймиз. Ана шунда мазкур ўқув муассасалари мамлакатимиз футбол жамоалари учун муносиб ўринбосарлар тайёрлаш ўчоғи бўлиб қолади.

— Раҳматулла ака, бу йил қандай мусобақалар ўтказилади?

— Бу йил аввалги йилларга қараганда спортнинг барча турлари қатори футбол мусобақаларига ҳам бой бўлади. Дастлаб вилоят халқ таълими тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчи-ёшлари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтади. Ушбу беллашувларда ғолибликни қўлга киритган футбол интернатлари II республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади. Хуллас, ушбу мусобақаларни ўтказиш, спортчилар маҳоратини оширишда муносиб омил бўлиб хизмат қилади деб бемалол айта оламиз.

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

Яқинда бобокалонимиз Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган миллий кураш бўйича учинчи халқаро турнир якун топди. Мусобақа ташкилотчилари ва мезбонлари беллашувга пухта ҳозирлик кўришди. Ҳал қилувчи учрашувлар арафасида мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда, корхоналарда, қишлоқлардаги жисмоний тарбия жамоаларида танлов мусобақалари ўтказилди. Мусобақанинг шаҳар, туман ва вилоят босқичлари ҳам кўнгилдагидек ўтди.

Халқаро мусобақага қўшни МДҲ давлатлари, ҳатто Кореядан манаман деган курашчилар ҳам таклиф қилинди. Самарқандлик Исҳоқ Аҳмедов, бухоролик Шуҳрат Хўжаев, сурхондарёлик Маҳтумқули Маҳмудов, хоразмлик Саньатбек Одамбоев, туркманистонлик Қурбонназар Маҳмасоатовлар турнир чемпиони деган унвонни қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, сурхондарёлик Эрали Маҳмарасулов мусобақанинг энг кучли курашчиси деган фахрий номга сазовор бўлди. Вилоят ҳокими Жўра Норалиев олқишу-ҳайқириқлар остида мусобақа ғолиби Эрали Маҳмарасуловга Президентимиз совғини — «Нексия» енгил автомашинаси калитини тантанали равишда топширди.

Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг совғини — «Дамас» машинаси эса иккинчи ўринни эгаллаган бойсунлик Тоштемир Муҳаммадиевга насиб этди. Учинчи ўринни қўлга киритган қашқадарёлик Муҳаммаддўст Тошев эса «Тико»ни қўлга киритди.

У. АКТАМОВ.



Amaliy mashg'ulotlar

ТУРНАЛАРГА ҲАЙРАТ БИЛАН ҚАРАЙМАН

Ўзбек тили дарсларида фақат грамматик қоидаларни ўргатиш, уларни ёд олдириш, берилган машқларни бажариш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Тил тушунчаларини англатиш учун ўғил-қизлар нутқини ривожлантириш керак. Зотан, ўқувчининг нутқи ривож топсагина ўз сўзига, ўз фикрига эга бўлади.

Мен дарсларда матн тўздириш орқали бу ишни амалга оширмоқдаман. Бунинг учун, аввало, ўғил-қизларни матн тўздиришга одатлантириш лозим. Одатлантириш дарсларида кичик-кичик тайёр матнлар ўқиб берилади. Шу матнларга ўхшатма матнлар тўздирилади. Астасекин жараён мукаммаллаштирилиб, қўшимча талаблар қўйила бошлайди. Тўздирилаётган матнлар, албатта, ўтилган мавзуга мос бўлиши назарда тутилади. Масалан, «Гапнинг уюшиқ бўлаклари» мавзуси ўтилаётган бўлса, матндаги асосий гаплар уюшиқ бўлакли гаплардан ташкил топади. «Юклама» мавзуси ўрганилаётганда гапларда юкламаларни ўринли ишлатиш шарт қилиб қўйилади.

Матнда ибора, тасвирий ифода, бадиий тасвирий воситалардан жонлантириш, ўхшатиш, сифатлаш, синонимлардан фойдаланиш, халқ мақоллари ва ҳикматлардан ўринли фойдаланиш тўғрисида кўрсатмалар бериб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Вақти-вақти билан «Сўз танлаш» ўйинини ўтказиб туриш эса матн тузишда ўқувчини сергакликка чорлаб, имкон қадар чиройли гап тузишга ундайди.

Фараз қилинг, осмонни тўлдириб, арғимчоқ солиб «қур-ей-қур-ей»лаб турналарга ўтяпти. Сиз ана шу турналарга қай ҳолатда қарайсиз? Ўқувчилар бирин-кетин ўз фикрларини баён этадилар. Ёзув тахтасида тахминан шундай сўзлар пайдо бўлади: берилиб қарайман, энтикиб қоламан, кўз тикаман, ҳаяжон билан қарайман, маҳлиё бўлиб қоламан, кўзларим толгунча қарайман, соғиниб қарайман, соғиниб-соғиниб қарайман, овозлари эшитилмай қолгунча қарайман, вужудим билан қарайман,ҳайрат билан қарайман, қизиқиб қарайман, диққат билан қарайман ва ҳоказо.

Ёки бошқа бир мисол. Ариқдаги сув тез оқяпти, гапидаги тез сўзига мос синоним танлаш керак бўлсин. Ўқувчилар шитоб билан, қирғоққа урилиб, қувлашмачоқ ўйнаётгандай, тўлқинланиб, мавжланиб, солланиб, эшилиб каби сўзларни айтишади. Ўқитувчи ёрдамида энг мос сўз танланади.

Ўқувчилар шу ҳолатда матн тўздиришга одатлантирилса, натижа ёмон бўлмайди. Баъзида ўқувчилар шундай матнлар тузадики, сиз бундан илҳомланиб шу тахлитдаги ишни давом эттиргингиз келаверади.Хуллас, шу жараёнга ўқувчини олиб кириш, уни фаоллаштириш ва бошқариш жараёнлари нафақат она тили фани ўқитувчисини, балки ўғил-қизларни ҳам ижодкорликка ундайди.

Нурмамат ҲАСАНОВ,
Касби туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси.

O'quvchi-talabalarning respublika spartakiadasi

НАЗОКАТ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби залида жозибали мусиқа садолари остида тўрт кун давом этган бадиий гимнастика мусобақаларида республиканинг олтита вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон республикасидан келган 63 спортчи ғалабаси, гардиш, копток ва лентада машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Ғолиблик учун курашда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятлари командалари қизғин кураш олиб боришди ва финал мусобақаси якунларига кўра 277.1 балл тўплаган Тошкент шаҳри командаси 36 очко билан спартакиада чемпиони бўлди. Бухоро вилояти командаси 24 очко билан (267.05 балл) иккинчи, Навоий вилояти командаси 20 очко билан (257.425 балл) учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчилик учун курашда спорт усталари дастури бўйича ғалабали ва булавада машқ бажариш бўйича тошкентлик Таня Креслова, гардиш ва лентада машқ бажариш бўйича эса унинг ҳамшаҳари Ира Замятина ҳурмат шоҳсупасидан жой олишди.

Спорт усталигига номзодлик дастури бўйича Навоий вилояти вакили Кристина Бекбулатова ғалабали, копток, гардиш ва лентада машқ бажаришда энг юқори кўрсаткичга эришиб, бадиий гимнастика бўйича спартакиаданинг мутлақ чемпиони бўлди.

Спартакиада финал мусобақаси ғолиблари ва совриндорларига бадиий гимнастика федерацияси президенти А. Байбеков, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров, бадиий гимнастика бўйича бош тренер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист В. Васильевлар диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғаларни топширишди.

Мусобақа бош ҳаками, миллий тоифадаги ҳакам А. Малкинадан беллашувлар ҳақида мулоҳазаларини сўраганимизда у лўнда қилиб: «Нима ҳам дердим, энг муҳими, спортчилар бор имкониятларини кўрсатишди, ҳакамларимизга норозиликлар билдирилмади», — деди.

Бадиий гимнастика барча хислатлари билан нафосат спорти. Афсуски, бу спорт мусобақасига мактаблардан ишқибозлар таклиф этилганида, учрашувлар янада файзли бўларди.

Ғ. МАННОПОВ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6

«Маърифат» газетаси таҳририяти Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири Эшмирза Маҳмудовга ука-си

Эшназар МАҲМУДОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси Тошкент вилояти таълим-тарбия корхонаси директори М. Мирзаевга отаси

ЭРГАШ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.